



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2004 йил 10 апрель №75 (3350)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН УРҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7-8 апрель кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлди

Ўзбекистон ва Латвия муносабатлари ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва бирдамлик асосига қурилган, десак, адашмай-миз.

Латвияда истиқлол йўлидаги илк ҳаракатлар бошланган кезлари Ўзбекистон раҳбари бу уринишларни қўллаб-қувватлаган эди. Мустақил Латвия ўз сиёсий ва ҳарбий доктринасини белгилаганида ҳам Ўзбекистон қатъий равишда унинг тарафида турди. Зеро, Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, ҳар бир мамлакат миллий мудофаа ва ташқи сиёсат стратегиясини ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилаши керак.

Латвия яқинда НАТОга қўшилди. Бу жараёни ҳоли қузатган киши Латвия ўз суверенитетини мустақамлаш учун НАТО сафидан жой олганига амин бўлади.

Сиёсий соҳада Ўзбекистон ва Латвиянинг нуқтаи назари, қарашлари, ҳалқаро муаммоларга муносабати ва ёндашувлари бир хил ёки яқин. Латвия Президентини Вайра Вике-Фрейберга хоним таъкидлаганидек, халқларимизни тарихий синовлар ва олдимизда турган вазифаларнинг муштараклиги бир-бирига боғлаб туради.

Ислом Каримов билан тор доирадаги суҳбат чоғида ҳам, кейинчалик бўлган учрашувларда ҳам Латвия Президентини ўз мамлакатининг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш истагида эканлигини таъкидлади. Халқларимизнинг тарихий жаҳон савдо йўлининг тараққиёти билан ўзвий боғлиқ. Бугун мамлакатларимиз келгуси авлодлар ўтмишидаги қийинчиликларга дуч келмаслиги учун ҳалқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилмоқда, савдонинг ривожлантиришда ҳамкорлик қилмоқда. Латвия стратегик мақсадлари йўлида қанчалик қатъий ҳаракат қилмасин, ишончли дўст ва ҳамкорларисиз уларга эришиши амри маҳол. Бундай мамлакатлар орасида бизни аввалбошдан қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон ҳам бор, деди В.Вике-Фрейберга.

Латвия билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблиги иқтисодий асосга ҳам эга. Шу йил май ойида мамлакат Европа Иттифоқи сафидан жой олди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Латвия дунё халқларининг Европа оиласига қайта қўшилиди. Бунинг негизинда мамлакат мустақиллигини мустақамлаш ва унинг жаҳон ҳамжа-



миятига интеграциялашуви ни жадаллаштириш мақсади муҳасам. Ўзбекистон учун эса Европа оиласига йўл янада яқинлашди ва ҳамкорлик учун янги-янги имкониятлар вужудга келди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ўзоқни қўлаб юритган сиёсати самараси туфайли Ўзбекистон ўз вақтида Латвия ва умуман Болтиқбўйи давлатларининг мустақиллигини қўллаб-қувватлади. Бундай сиёсат самараси ўлароқ мазкур мамлакатлар билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги мустақамланди. Юк ташини соҳасининг ўзи бунга яқин мисол бўла олади. Ўзбекистон Фарбога экспорт қилаётган маҳсулотларини Болтиқбўйи, асосан, Латвия бандаргоҳлари орқали жўнатади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол муҳокама қилинди, ҳамкорлик бугунги вазият, хозирги шарт-шароит нуқтаи назаридан яна бир қарра кўриб чиқилди. Ўзаро савдо ҳамжи ўтган йили 106 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу 1998 йилдаги курсаткидан 60 фоиз кўп. Йиллик ўсиш суръати 6-8 фоизни ташкил этмоқда. Лекин бу чегара эмас. Латвияда дунёга танилган санат корхоналари кўп. Мебелсозлик, қандолатчилик, тўқима-

чилик каби соҳаларда қўшма корхоналари янада кўпайтириш мумкин. Ўзбекистон билан Латвия ўртасида товарлар ва хизматлар айирбошлаш учун ўзламлиқ яратиш тартиби жорий қилинган. Бирок бир-биримизга қўри имтиёзли ҳол яратишимиз учун ҳали талай ишлар қилиниши керак.

Музокарада бевосита минтақаларо ҳамкорликнинг имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам кўриди. Тошкент ва Рига-Мирзо Улугбек асосли расмийлаштирилган бу йўналишдаги ижобий натижалардан бири бўлди. Сентябрь ойида Рига ишбилармон доираларининг делегацияси Тошкентга келиши кутилмоқда.

Икки мамлакат ўртасида кимё, озиқ-овқат санати, машинасозлик маҳсулотлари айирбошланган. Лекин иқтисодиёт соҳаси мутасаддилари бу рўйхатни анча кенгайтириш мумкинлигини таъкидлади. Масалан, Латвияда талаб катта бўлган маҳсулотлар Ўзбекистонда кўп. Булар — газлама ва қала, нефть, мөва-савзавот ва қайта ишланган поллиз маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва ҳўказо.

Латвия қатор маҳсулотларимизнинг Европага экспортисани саналади. Шунинг ҳисобига олганда Ўзбекистон Латвия компанияларининг, юқорида қайд этилганлар-

дан ташқари, фармацевтика, энгил санат, транспорт инфратузилмаси, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги лойиҳаларда ҳам иштирок этишининг тарафдори.

Музокарада илм-фан, маданият, спорт, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди. Ташриф асосида Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг ҳуқуқий асослари янада мустақамланди. Шу чоққача мавжуд ҳуқуқматларо ва идораларо 31 келишув қаторига яна бешта янги ҳўжат қўшилди. Ўзбекистон ва Латвия ўртасида консуллик конвенцияси, ноқонуний яшаб юрган шахсларни қайта қабул қилиш, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Латвиянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича давлат бюроси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Латвиянинг "Парекс" банки ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу билан Шенген зонасига кирувчи Латвия билан борди-келди қилиш тартибига солинди, икки мамлакат пойтахтларининг бевосита алоқасига кенг йўл очилди,

сармоюдорларнинг янада кенгрок мулоқоти учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон раҳбари Латвия Сейми (парламент) раиси Ингрида Удре хоним, бош вазир Индулис Эмсис, Рига думаси раиси Гундарс Боярс билан учрашди. Ушбу музокарада асосий эътибор ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига қаратилди. Латвия Сейми ҳузурида "Ўзбекистон-Латвия дўстлиги ва ҳамкорлиги" гуруҳи фаолият кўрсатади. Сейм раиси билан қўнун чиқариш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, алоқаларининг ҳуқуқий асосини мустақамлаш, ўзаро таъриба алмаштириш масалалари муҳокама этилди. Бош вазир билан мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий муносабатлари, Рига мэри билан пойтахтлар ҳамкорлиги борисида фикр алмашилди.

Латвияга ташрифининг муҳим воқеаларидан бири Рига марказидаги "Кронольда" боғида Мирзо Улугбек хайкалининг очилиши бўлди. Бу латишларнинг Ўзбекистон миллий-маданият ва илмий меросига катта эҳтиромидан далолатдир. Ислом Каримов шу воқеа муносабати билан ўтказилган маросимдаги нутқида буюк бобомиз Мирзо Улугбек хайкали Ўзбекистон ва Латвия

дўстлигининг рамзи бўлиб қолиши таъкидлади.

Президентимиз самолёти Рига аэропортига кўнганида ер нам, лекин ҳаво очик эди. Яқиндагина ёмғир ёқгани сезилиб турарди. Эртаси кун — Мирзо Улугбек хайкали очилган чоғда кўш чарақлаб турди. Ислом Каримов маросимдаги нутқида мусаффо осмонга ишора қилиб, ёрғу юз ва яқиният билан келганимизни осмон ва табиат ҳам тасдиқлаб турибди, деди.

Ригада Президентимизга Халқаро муқофотлар жағмарасининг "Муъжизакор Николай" ордени тақдим этилди. ЮНЕСКО ҳамкорлигида Украина, Швеция, Италия томонидан таъсис этилган, турли халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилган мазкур жағмарга Италия тиббиётининг фахрий доктори Константин Бобришчев раҳбарлик қилади. "Муъжизакор Николай" ордени тинчликни мустақамлашда, халқлар фаровонлиги йўлида катта хизмат кўрсатган шахсларга берилади. Шу чоққача ушбу орден билан Тереза момо, Иоанн Павел Иккинчи, Кофи Аннан, Гелмут Кол, Леонид Кучма каби таниқли арбоблар тақдирланган.

К.Бобришчев ордени топирир экан, Ислом Каримов халқаро дўстлиги ва тинчликни мустақамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун жағмарга кенгаши томонидан шу муқофотга сазовор топилиганини таъкидлади. У Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакатида 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилгани ибратли воқеа эканлигини алоҳида қайд этди.

Президент Ислом Каримовнинг Латвияга давлат ташрифи истиқболдаги қўлаб хайри ишларга кенг йўл очди. Латвия матбуотида "Президент Каримов доим Латвия мустақиллиги тарафдори бўлган", деган жумлани кўп учратдик. Буларнинг барчаси ўзаро хайрихоҳликдан, ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қучли иштиёқдан ва мамлакатимиз раҳбари истиқлолни мустақамлаш борасида қатъийат билан юриётган изчил сиёсатдан далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент-Рига-Тошкент.
СУРАТДА: Президент Ислом Каримов ҳамда Латвия Президентини Вайра Вике-Фрейберганинг учрашуви.
Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.

Истиқлол йилларида қўлаб буюк аждодларимизнинг номлари тикланиб, таваллуд саналари нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида кенг нишонланди. Бу яқин аёна давом этмоқда. Миллий ғуруримизнинг янада юксалишида, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнинини топишимизда буюк бобомиз Амир Темурнинг ўрни беҳис.

Буюк бобомизга эҳтиром

9 апрель кунини эрта тонгданок пойтахтимиздаги ул зотнинг номи билан аталувчи сўлим хёбон жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, талабалар билан гавжум бўлди. Тантанали маросим қатнашчилари Соҳибқирон хайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев қатнашди.

Шу кунини Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темурнинг 668 йиллиги бағишланган "Амир Темур — фахримиз, гуруримиз" мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов очди.

Анжуманда истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тут-

ган ўрнини, фаолиятини ўрганиш ва оммалаштиришга катта аҳамият бериб келинаётгани таъкидланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур хайкали ўрнатилди. "Амир Темур" ордени таъсис этилиб, Амир Темур халқаро хайрия жағмараси ташкил қилинди.

Мустақил давлатимизнинг буюк келажақ сари қўётган ҳар бир қадамида миллиятимизнинг фаҳри ва ифтихори Соҳибқироннинг руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб келмоқда. Бунинг боиси — ул зотнинг бутун фаолияти миллиятнинг бирлиги, юрт озодлиги, мамлакат фаровонлиги учун кураш тисмолига айланганидир. Соҳибқирон ўз фаолиятида азгулик ва яқшиликка, меҳр ва мурувват, тинчлик ва осойишталик ҳамда бунёдкорликка қатъий амал қилган.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Соҳибқирон ҳазратларининг таваллуд айёми Фарғонада халқ сайилларига айлиб кетди. Стадионларда спорт мусобақалари, боғ-оромгоҳларда миллий кураш мусобақалари, мактаб, лицейларда эса мушоиралар дилларга гурур бахш этди.

Вилоят ҳокимлиги, Амир Темур халқаро хайрия жағмараси ҳамда Фарғона давлат университетини ҳамкорлигида ўтган "Амир Темур ва миллий истиқлол" мавзудаги илмий-амалий анжуман ҳам шу тадбирлар доирасида ўтди. Анжуман охирида муборак кун шарофати билан ўтказилган турли танловлар, бадий асарлар кўргазмасига ҳам яқин ясалди. Мусаввирлар орасида Марғилон шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси Ойбек Қирғизов, кўргазмалар бўйича танловда "Шодлик" гимназияси тарбияланувчиларининг ижодий ишлари юқори баҳолиниб, совғалар билан сайланди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ой бориб, омон қайтдилар

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ армиямиз сафарига икки марта чакриқ ўтказилди. Айни чоғда, хизмат муддатини ўтаб бўлган аскарлар заҳирага бўшатилади. Шунга қўра, кеча Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан навбатдаги аскарларни уйларига қузатиш маросими бўлиб ўтди. Маросимга ота-оналар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам тақлиф этилдилар.

Пойтахтимиздаги "Тузель" ҳарбий аэродроми, Йигитлик бурчини шараф билан ўтаган ўғлонлар саф тортиб туришибди. Давлатимиз мадҳиса янграгач, тадбиринг мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник М. Аҳмедов кириш сўзи билан очди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари О. Мусурмонова ҳамда бошқалар йигитларни табриқлаб, уларнинг бундан кейинги ишларига муваффақиятлар тиландилар. Шунингдек, намунали хизмат қилганларга тавсияномалар берилди.

Белгиланган режага қўра, Фарғона водийсидан чакриқлиб, Тошкент гарнизони ҳарбий қисмларидеги хизматини шараф билан ўтаган 150 нафар ҳарбий хизматчи самолётда уйларига жўна-



тилди. Фарғона аэропортида йигитларни мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, ота-оналар тантана билан қутиб олишди. Ўз ватанида у ерда ҳам водийдаги ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини шараф билан ўтаган аскарларни қузатиш маросими ўтказилди. Пойтахтимизда уларни ота-оналари, ақиллари хушнудлик билан қутиб олдилар.

М. ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат.

АХБОРОТ

9 апрель кунини маҳаллий вақт билан соат 2 дан 34 дақиқа ўтганда "Тошкент" марказий сейсмик станциясида ер қимирлаш қайд этилди. Зилзила маркази шимол-шарқ йўналишида Тошкентдан 195 километр ўзоқликда — Ўзбекистон ва Қирғизистон чегара зонасида жойлашган.

Тошкентда зилзила кучи 2-2,5 баллини ташкил этди. Қўрбонлар ва вайронагарчилик йўқ.

Ўз мухбиримиз.

(ЎзА).

Барчамиз сезгир, огоҳ ва хушёр бўлайлик

Журналистлар хабардор қилинди

Кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида шу йил 28 март — 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Бухоро ҳамда Тошкент вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан олиб борилаётган қидирув ва тергов ишлари натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Уни Бош прокурор Рашидjon Қодиров ўтказди.

Брифингга таъкидла-нишича, тезкор қидирув ва тергов гуруҳининг ҳамкорликда иш юритиш натижасида террорчилик ҳаракатларига алоқадор

шахсларнинг асосий қисми қисқа муддатда аниқланиб, қўлга олинган.

Содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича мингдан ортиқ тергов ишлари олиб борилган. Жумладан, 700 нафардан ортиқ гувоҳ ҳамда жабрланганлар сўралган, 54 нафар гумдондор шахс ушланиб, 45 нафарига нисбатан айблов эълон қилинган. Уларнинг 15 нафари аёллардир. Ушбу жиноятга алоқадор сифатида қўлга

олинган яна 9 нафар шахс текширилмоқда. Жиноят содир этиш давомида ўлган 30 нафар террорчининг шахси аниқланган, қолганлари ДНК эксперт текширувидан сўнг маълум бўлади.

Воқеалар содир этилган жойларни текшириш ва жиноятчиларни тинтув қилиш пайтида кўп миқдордаги ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар, портловчи моласмалар, шунингдек, уларни тайёрлашга оид қўлланмалар, диний адабиётлар, варақалар,

сохта ҳўжатлар ва бошқа ашёвий далиллар топилди. Улар юзасидан суд экспертизалари олиб борилапти.

Тергов жараёнида аниқланишича, 2000 йилдан хозирга қадар Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида бир неча ҳавфи диний-экстремистик террорчи «жамоат» гуруҳлари яширин фаолият олиб борган. Жиноий ташкилот раҳнамоси Ўзбекистондан ташқарида туриб, «жамоат»лар фаолияти

ва уларнинг халқаро экстремистик ташкилотлар билан алоқаларига, ушбу гуруҳларнинг махсус лагерларда жанговар тайёрлардан қўнун чиқариш, ёрғарликдан ўтишини молиялаш ҳамда таъминлашга умумий раҳбарлик қилган ва мувофиқлаштириб турган.

Хозир ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан илгари турли диний-экстремистик оқимларга алоқадор шахс сифатида рўйхатга олинганларнинг ушбу террорчилик ҳаракатларидаги ишти-

Ислохот масъулияти

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор талаби ва тақлифидан келиб чиққан ҳолда қисқа муддатда махсулот ишлаб чиқариши ёки унинг турини тез ўзгартири олиши, қосодга ураши хавфининг кам бўлиши билан ажралиб туради. Энг асосийси эса, аҳоли ўртасида ишсизлар сонининг ўсишини пасайтиради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мазкур тизимни ривожлантиришга қаратилган қонунларнинг, фармонлар ва қарорлар қабул қилиниб, бу борада ҳуқуқий замин яратилган. Шу ўринда савол туғилади: ҳўш, бугун тизимда қандай ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда? Тадбиркорлар ўз фаолиятлари давомида сунъий тўсиқларга дуч келишмаптими? Биз бу саволларга жавоб топиш мақсадида пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида бўлдик.

Ишонч Ва рағбат

тадбиркорларни ташаббускорликка ундовчи омиллардир

ҳуқуқий-мезърий ҳужжатлар, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги "Махсулотлар, қўшимча ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарори талабларини соф ўзбек талаффузда тушунтирдик, ярим соат вақтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолдик. Хатто у Марказий банк билан боғлиқ, тадбиркор муаммоси бўйича қўшимча маълумотларни ҳам сўраб билдик. Пировадда улар раҳмат айтиб, чиқи кетишди. Бу ҳолат деярли тушгача давом этиб, у ёки бу масалада ёрдам, маслаҳат сўраб келиб кетувчилар, телефон кўнгирақлари бир дам ҳам узилмади, деб айтсак, муболага қилмаган бўламиз.

Александр Васильевичнинг сўзларига қараганда, бугун туманда 5303 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган. Лекин улардан фақат 1710 таси фаолият кўрсатмоқда, қолган эса — Кам эмасми? — сўрайман ундан. — Камликка-ку, кам. Лекин бунинг объектив ва субъектив сабаблари борда. Биринчидан, айрим тадбиркорлар бизнес лойиҳаси мукамал эмаслигидан ишни тўғри йўлга сола олмапти. Биз бу муаммони ўрганиб, таҳлил қилиб чиққанмизда, маълум бўлдики, уларнинг аксарияти яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланади. Баъзилари четга махсулот олиб келишга кетганлиги сабабли, айримлари эса, солиқ идораси билан келишган ҳолда вақтинчалик фаолиятини тўхтатиб турибди. Лекин биз ҳам четда томошабин бўлиб турганимиз йўқ. Тадбир ва чоралар режасини ишлаб чиқиш, уларга ҳар тарафлама ёрдам беришга интиляямиз. Масалан, туман ҳокимининг қарорига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва дастлабки фаолиятлари даврида зарур амалий кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда ечимли йўл-йўлиқлар кўрсатиш учун дастур ишлаб чиқиш, тадбиркорлар бепул ўқув машғулотларига жалб қилинмоқда. Дарслар етакчи мутахассислар томонидан олиб борилапти. Шунингдек, палата қошида ташкил этилган "Алекс-ВАД" ахборот-маслаҳат маркази ҳам уларга зарур ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

Биласизми, амалдаги тартибга кўра, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини ривожлантириш учун четдан олиб келаётган технологиялар учун божхона божидан озод қилинган. Бироқ яқка тадбиркорлар бу имтиёздан фойдалана олишмапти. Яна бир масала — бу бандлик жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредит олишда бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги. Мисол учун, айни пайтда 11 нафар тадбиркор ушбу кредит йўналиши бўйича ўзининг бизнес-режасини топширганга қарамай, ҳалигача масала ҳал этилгани йўқ. Умид қиламизки, бу муаммони тегишли идоралар кўриб чиқадилар.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи Гиссидин Тожибоевнинг сўзларига қараганда, жорий йилнинг дастлабки икки ойида 54 нафар юридик ва жисмоний шахс ҳамда 278 жисмоний шахс тадбиркор рўйхатга олинган. — Эътиборлиси, — деди у, — авваллари давлат рўйхатидан ўтиш учун тадбиркорлар ойлаб вақт сарфлашар эди. Бугунга келиб, хатто Вазирлар Маҳкамасининг қарорига белгиланган муддатдан ҳам олдиноқ тегишли гувоҳномаларни топширилмади. Ортиқча сансалорликлар барҳам топди. Бу эса, тадбиркорларда ишонч ва рағбат руҳини ўзгартириди. Янги тракторларга қувват 30-140 от кучига тенг бўлган двигателларнинг ўрнатилгани, детал ва узеллар пухталиги ва пишиқлигининг оширилгани бундай тракторлар негизда кенг ва тор қамровли машина агрегатларини тузиш, уларни ўзоқ вақт капитал таъмирлашдан ишлатиш имконини юзага келтирди. Бу, айниқса, фермерлар эҳтиёжи ва талабларига мос келади.

Пактачилик ҳўжалиқлари импорт ўрнини босадиган ҳамда комбинациялашган, яъни дала бўйлаб бириктирилган, ярашган тракторларга қувват 30-140 от кучига тенг бўлган двигателларнинг ўрнатилгани, детал ва узеллар пухталиги ва пишиқлигининг оширилгани бундай тракторлар негизда кенг ва тор қамровли машина агрегатларини тузиш, уларни ўзоқ вақт капитал таъмирлашдан ишлатиш имконини юзага келтирди. Бу, айниқса, фермерлар эҳтиёжи ва талабларига мос келади.

Пактачилик ҳўжалиқлари импорт ўрнини босадиган ҳамда комбинациялашган, яъни дала бўйлаб бириктирилган, ярашган тракторларга қувват 30-140 от кучига тенг бўлган двигателларнинг ўрнатилгани, детал ва узеллар пухталиги ва пишиқлигининг оширилгани бундай тракторлар негизда кенг ва тор қамровли машина агрегатларини тузиш, уларни ўзоқ вақт капитал таъмирлашдан ишлатиш имконини юзага келтирди. Бу, айниқса, фермерлар эҳтиёжи ва талабларига мос келади.

Пактачилик ҳўжалиқлари импорт ўрнини босадиган ҳамда комбинациялашган, яъни дала бўйлаб бириктирилган, ярашган тракторларга қувват 30-140 от кучига тенг бўлган двигателларнинг ўрнатилгани, детал ва узеллар пухталиги ва пишиқлигининг оширилгани бундай тракторлар негизда кенг ва тор қамровли машина агрегатларини тузиш, уларни ўзоқ вақт капитал таъмирлашдан ишлатиш имконини юзага келтирди. Бу, айниқса, фермерлар эҳтиёжи ва талабларига мос келади.

Пактачилик ҳўжалиқлари импорт ўрнини босадиган ҳамда комбинациялашган, яъни дала бўйлаб бириктирилган, ярашган тракторларга қувват 30-140 от кучига тенг бўлган двигателларнинг ўрнатилгани, детал ва узеллар пухталиги ва пишиқлигининг оширилгани бундай тракторлар негизда кенг ва тор қамровли машина агрегатларини тузиш, уларни ўзоқ вақт капитал таъмирлашдан ишлатиш имконини юзага келтирди. Бу, айниқса, фермерлар эҳтиёжи ва талабларига мос келади.

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалиқда ишловчиларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида ҳўжалик юриштининг ширкат, фермер ва деҳқон ҳўжалиқлари шакллари сақлаб қолиш, фермер ҳўжалиқларини истиқболда қишлоқ ҳўжалиқ махсулоти ишлаб чиқарувчи асосий субъект сифатида белгилаш, моддий-техника ресурслари етказиб беришчи ташкилотлар фаолиятини уларнинг манфаатларига бўйсундириш мақсада мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, ширкат, фермер ва деҳқон ҳўжалиқлари етказиб берилаётган моддий-техника ресурслари улушида тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалиқ машиналарининг салмоғи анча баланд. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қишлоқ ҳўжалиқ ишлаб чиқаришининг самарадорлиги кўп жиҳатдан махсулот етиштирувчилик техника паркнини замонавий машина-механизмлар билан бутлаш даражасига боғлиқ. Бунда, табиийки, тракторларнинг тугган ўрни алоҳида. Зеро, улар турли хил иш курулларни ўрнатилган ҳолда ерларни кешига тай-

ника воситалари етказиб берилмоқда. Ғўза ўстириладиган ерларни шудгорлаш тур-



Ғўза ўстириладиган ерларни шудгорлаш тур-

уларга аниқ миқдорда ташлаш, эгизларга гербицид ва минерал ўғит сепиш ишларини баробар адо этиладиган сеялка, пурақчи ҳамда ўғитлагичдан иборат универсал машина-трактор агрегатидан фойдаланиш фермер ва пудратчилар харажатларининг тежалишига хизмат қилмоқда.

Ғўзани кўсақ қурти, ўргимчакана каби хавфли зараркундалардан ҳимоя қилишда штангалар кимёвий дорипурақчилар, давлат синовлардан ўтган ҳамда бир соат давомида 16-20 гектар майдонга фойдали биоматериал (трихограмма, олтинкўз) тарқата оладиган механизмларни қўллаш катта самара беради.

Ғўза тулпарига чилпиш мосламалари ёрдамида хилча шакл берилган, штангалар ва вентиляторли пурақчилар воситасида сифат-

миз. Юқори ҳосилли, аммо ерга ётиб қолган ўтларни роторли ва пичоқли механизмлар воситасида ўриб олиш ҳам мақсада мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг юқорида қайд этилган Фармони эълон қилингандан сўнг ўтган бир йил давомида Тошкент трактор заводи томонидан фермерларнинг кичик ерларидagi дала умумларини бажарадиган, 40 от кучига эга «ВУ-304-2» мини тракторлари ва 9 турдаги кичик механизация воситалари (икки корпусли плуг, осма борона, мола, эгаччи, бульдозер мосламаси, яримтракма)ни санавот усулда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай кичик техника воситаларининг афзаллиги шундаки, улар универсал, кам материал сарфланади, ишлатиш ва

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА — ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

ёрлашдан тортиб ҳосилни йиғиштириш ва ташингача бўлган барча агротехника тадбирларини механизациялаштириш тавсияланади. Шу боғида «Ўзқишлоқҳўжалиқ-маш-холдинг» компаниясининг «Трактор» махсус конструкторлик бюроси ва Тошкент трактор заводида тракторларнинг янги моделларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларнинг ўзида 15 га яқин русумдаги пахтачилик ва универсал-чопиқ тракторларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги тракторларга қувват 30-140 от кучига тенг бўлган двигателларнинг ўрнатилгани, детал ва узеллар пухталиги ва пишиқлигининг оширилгани бундай тракторлар негизда кенг ва тор қамровли машина агрегатларини тузиш, уларни ўзоқ вақт капитал таъмирлашдан ишлатиш имконини юзага келтирди. Бу, айниқса, фермерлар эҳтиёжи ва талабларига мос келади.

машина-трактор паркларини яратишда «Магnum-8940», «Ўзқейстректор» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган МХМ-140 каби бақувват хайдоқ тракторларига тақиялашган қўш ярусли ва корпусли айландирилган плуглар ёрдамида амалга оширилмоқда. Тупроқни 40-45



кор-қиров туш-гунча тамомлаш имкониятини яратди.

ли дефолиация қилинган, бегона ўтлардан тўла тозаланган далада пишиб етилган ҳосилни «Кейс-2022» горизонтал шпинделли машиналар билан бириктириб йиғиштириб олиш усулини кенг жорий этиш терим мавсумини кескин қисқартириди, шудгорлашни

кор-қиров туш-гунча тамомлаш имкониятини яратди. Фермерларимиз ҳам гектарига ўтларни ўриш, майдалаш ва озукани транспорт воситасига юклашга мўлжалланган ем-хашак комбайнларидан фойдаланишни тавсия қила-

таъмирлаш учун қўлай конструкцияга эга бўлиши ширкат ва фермер ҳўжалиқлари ҳамда муқобил машина-трактор паркларига 2003 йилда, шунингдек, «Ўзқишлоқҳўжалиқмашин» компанияси томонидан лизинг шартномалари асосида 2047 та қишлоқ ҳўжалиқ техникаси, шу жумладан, 1644 дон пахтачилик ва транспорт трактори етказиб берилди.

Махсулот етиштирувчилар техника паркнинг иш қобилиятини сақлаб туриш ва тиклаш мақсадида эса «Ўзгагрошсервис» уюшмасининг таъмирлаш корхоналарида чет эл ва давлатимиз плуглари, культиваторлари, чизеллар, сейкалар, тракторлар, галла ва озук комбайнлари учун қўллаб қўммага ва ҳажмдаги эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқаришмоқда.

Замонавий техника воситаларини деҳқоннинг қанотига қўйиб экинни, фермер ва ширкат ҳўжалиқларини, айниқса, муқобил машина-трактор паркларини улар билан тўла бутлаш чора-тадбирларини қўриш аниқ муқаддир.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ, техника фанлари доктори.

Аҳоли эҳтиёжи асосида

Халқимиз ўртасида пойабзал турларидан бири — калишга талаб ҳам, эҳтиёж ҳам катта. Шуни ҳисобга олиб, Сурхондарё вилоятидаги «Ангор-пласт» хусусий корхонасида шундай махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Россиянинг Нижний

Тагил шаҳридаги «Уралкимпласт» компанияси билан ҳамкорликда очилган мазкур корхона йилига 35 минг жуфт калиш тайёрлаш қувватига эга. СУРАТДА: ишчи Рафоз Хакимов. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Журналист суриштируви

Бир танишимизнинг онаси бетоб бўлиб қолди. Уни даволатгани Қашқадарёдан Тошкентдаги шифоналардан бирига олиб келишди. Тиббий текширувлардан сўнг шифокор кенгаши дорилар рўйхатини тўтказар экан, бу ҳас-талликни даволашда «Венофер» тез ёрдам бериши мумкинлигини айтибди. Танишимизнинг сўзларига қараганда, бу дори докторнинг ўзида ҳам бор, нархи 68 минг сўм экан. Тўғриси, докторнинг нархини эшитиб ажабландик. Дўстимизнинг бу дорига пули етиши дарғумон эди. Аммо пул инсон соғлигидан ҳам азизми? Бундай шароитда ҳар бир одам бор-будидан кеч-чишга ҳам тайёр бўлади. Хуллас, у шахримиздаги дорихоналардан ўша дорини кидириб топ-пишда унга ёрдам бериши-мизни сўради.



Назаримизда, кейинги йилларда дорихонадан ҳаддан ташқари кўпайиб бораётгандай. Тўғри, бундай шароитда рақобат муҳити шаклланади, дей-шингиз мумкин. Аммо юқорида келтирилган мисолларда бунинг мутлақо аксини кўрдик. Соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун фақат дорихоналарнинг кўпайгани кифоя қилмас экан-да? Бу соҳа ривож учун яна нима қилмоқ керак? Тегишли мутасадди ташкилотлар бунга ҳам бир йўлаб қўришган-микан?

Нархдаги фарқлар

ер билан осмонча

Балки бу дорини ишлаб чиқарган компаниялар бошқа-бошқа бўлса керак, шунинг учун нархлар турличадир, деб ўйлагандик. Тўғри, мутахассис бўлмасан-да, ўша дорининг ёзувларига эътибор бердик. На кутиси устидаги ёзувда, на сертификат белги-ларидан фарқ бор. Бунинг устига, барчаси Швейцариянинг «Vefar» фирмасида ишлаб чиқарилган. Ниҳоят, ўша анқонинг уруғини Дархондаги «Мафтон» хусусий фирмасидан 45 минг сўмга харид қилдик.

Овора бўлсан-да, ҳар қалай арзонроққа топдик-ку, дея шифонага шошилдик. Танишимизнинг онаси билан бир хонада даволанаётган бемор аёлнинг ўғли «Венофер»ни 97 минг сўмга (Миробод туманидаги бир дорихонадан) топиб келибди. Шундан сўнг қўлимиздаги арзон дорига шубҳа туғилди.

Шажримиздаги дорихоналарда фақат «Венофер»гина турли нархларда сотилмас экан. «Кон-трикал» деган дорини ҳам из-лаб анча сарсон бўлдик. Бу препарат «Чорсу» бозори ёни-даги «Фарме фарм» хусусий

дориларга ёзиб қўйилган нархларга кўз югуртира бошладик. Бу ерда қон қуйиш учун ишлатилган система 800 сўм, «Ас-кордан В12» витамини 600 сўм экан. Дорихонадан чиқатгани-мизда, танишимиз худди шу системани бошқа дорихонадан 375 сўм ва витамини 400 сўмга бир кун олдин сотиб олганини хайрат билан айтиб қолди-ди. Нима бўлганда ҳам, бу фарқи «ширинсухан» опамиз-га айтмай, чиқиб кетавердик.

Кўпчилик дорихоналардан махсулотнинг лицензияси ёки лаборатория текширув хулоса-си ҳақида бирор маълумот сўраганимизда, «Нимани суриштиряпсиз? Ўзи бирор дори олиш ниятингиз борми, йўқми?» деган иддаони эшитдик.

Масалага аниқлик киритиш мақсадида республика «Дори-дармон» акциядорлик уюшмаси бошқаруви раиси муовини Илёс Раззоқовга мурожаат қилдик. — Хусусий дорихоналарни назорат қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Комиссия тузиш махсус текширув ўтказиш мумкин. Сиз айтатган «Вено-фер» бизда 78 минг сўм. Мана, ҳисоб-китоб қозғо. Устама 10 фоз нарх қўйганмиз. Ўзбекистон Республикаси Ва-

Эхтиром

Мамнуният ила таъкидлаш жоизки, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида жон куйдириб ишлаётган заҳматқаш инсонлар, ўз касбининг фидойилари талайгина. Улардан бири касби-қори, меҳнати орқасидан бахт, обрў-эътибор топган олим Ғани Қурбоновдир.

Довонлар ортидаги сурур

Бу инсоннинг номи кўпчиликка яхши таниш. У киши ўзининг 46 йиллик меҳнат фаолиятини қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга бағишлаган заҳматқаш инсон. Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтини тамомлаб агроном бўлиб ишлади. Бироқ у иш билан чекланиб қолмади. Ёшлигидан илмга чанқоқлик уни Ўзбекистон ғаллачилик илмий-текшириш институтига ундади. Кейинчилик изланиш ва интилишлар ўз самарасини берди — ўсимлик-шунослик, селекция ва уруғчилик бўйича фан доктори, профессор бўлди.

Ғани Қурбонов қаерга бормасин, қандай лавозимда ишласин ҳаллолликни, одамийликни биринчи ўринга қўйгани учун дўстлари кўпайди, қадрдонлари сафи орта борди. Ишга сидқидилдан ёндошгани боис яхши лавозимлар унга тавсия этиларди. Домланинг ўз таъбири билан айтганимизда, «У киши иш ишламади, иш у кишини излади».

Профессор кўп йил давомида жаҳоннинг турли қитъаларига мансуб ўнлаб мамлакатлар учун қишлоқ ҳўжалиғи мутахассислари ва илмий кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди. 1993 йилдан Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-текшириш институтига Дала экинлари бўлими мудири лавозимда ишлади. Айни пайтда эса Тошкент Давлат аграр университетини селекция ва уруғчилик кафедраси профессори бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Ғани Қурбоновнинг бил-милари, бевосита амалий изланишлари боис 350 дан ортиқ илмий ишлари, 20 дан зиёд китоблари, рисо-лалари чоп этилган. Домла яратган қимматли селекция манбалари асосида Ўзбекистон, умуман Марказий Осиёда донли ва дук-какли экинларнинг бир канча навлари яратилган, яратилмоқда.

Домлани ақиндан бил-ганлар у кишини нафақат ўз соҳасининг билимдони, шу билан бирга оқибатли, шогирдларига нисбатан меҳри-бон инсон эканлигини кўп бора таъкидлайдилар. Шогирдлари ҳам қаерда бўлмасин, устозлари ҳақида илқ таассуротларини айтиб юри-

Маскуд МИРЗО.



Маскуд МИРЗО.

Нью-Йоркда халқаро кўргазма



Кеча Нью-Йоркда йиллик Халқаро автосалон очилди. Автуловлар ишлаб чиқаришда етакчилик қилаётган General Motors, Ford ва Chrysler компаниялари ҳар йили ўтказиладиган мазкур кўргазманинг асосий ташкилотчилари ҳисобланади.

23 компания ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Ташкилотчиларнинг айтишича, 50 та замонавий автомашина кўргазма залидан жой олган.

Мухолифатчиларнинг айтишича...

Арманистонда мухолифатчилар мамлакат президенти Роберт Кочарянга фуқароларнинг оммавий бўйсунмаслик ҳаракати бошланганлигини маълум қилишмоқда. Халқ бirligi блоқи етакчиси бундай шароитда давлат раҳбарининг лавозимдан кетиши лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, мухолифатчилар ўтган йилги сайловни ноқонуний демакдалар. Халқаро кузатувчилар ҳам сайлов жараёнида жиддий қонуний бўлиш ҳоллари учраганини тасдиқладилар. Кузатувчилар Арманистондаги воқеалар ривожини таҳлил қилар экан, бу мамлакатда ҳам Грузиядаги ҳол рўй бериши мумкинлигини таҳлил қилишмоқда.

Гумон қилинмоқда

НАТО тинчликпарвар кучлари томонидан Косовода тўрт нафар албан миллатига мансуб фуқаро қўлга олинди. Улар ўтган ойда Косовода юз берган тартибсизликларда икки нафар полиция ходимини ўлдирганликда гумон қилинмоқда. Қўлга олиш чоғида улардан бири қаршилик кўрсатган ва яраланган.

Халқаро сиёсат

Гап қандай уруш тўғрисида кетаяпти деб ўйлаётгандирсиз? Бўлмаса билиб олинг, гап халқаро тақиқлар ҳақида бормоқда. Биз бу иборани "санкция" деб қўллашга ўрганиб қолганмиз. Ҳўш, санкция, тақиқ дегани нима ўзи?

Қуросиз уруш

Тақиқ қўллаш инсонга аждодларидан мерос, деяса бўлмайди. Юз йиллар аввал мамлакатлар ўз қўшиларига таъсир ўтказиш мақсадида турли чоралар кўрган. Бирок, тарих саҳифаларидан маълумки, бундай урушлардан ўша даврда муаммонинг баттар чигаллашувига олиб келган, ҳолос.

Жазо қўллашнинг ибтисоди Қадимги Юнонистонда қайд этилган. Миллодан аввалги 423 йилда афиналиклар Мегара вилоятидан келувчи савдогарларни ўз бозорларига қўймади. Оқибатда ўртада уруш бошланди.

Ақсарият ҳолларда, мамлакатлар ўз газасини тўлдириб олиш мақсадида ташқаридан маҳсулот олмасди ва четга сотмасди ҳам. Масалан, Хитой билан ҳамкорлик қилган давлатлар гоҳ-гоҳида ипак кийимларини кийишни тақиқлаб турарди. Бу билан улар ўз иқтисодини қўйиб Хитойга қарам бўлиб қолишдан ҳимоя қиларди. Франция императори Наполеон Бонапарт Буюк Британияга нисбатан иқтисодий жазо қўллаб, Британия товарлари харидини тўхтатиб қўйган. Афсуски, бу чора ўз даврида қатор зиддиятлар ва урушга сабаб бўлган.

XIX аср охирига келиб, тақиқларни фаол ишлатувчи ягона давлат Буюк Британия бўлди. 1888 йилда бу мамлакатнинг аҳолиси дунёдаги жами аҳолининг аттиги икки фоизини ташкил этарди. Лекин Буюк Британия дунёдаги бор саноат молларнинг ярмидан ортиги—54 фоизини ишлаб чиқарарди.

АҚШдаги Иқтисодий демократия институти тадқиқотчиси Жон Смитнинг айтишича, 1940-1950-йилларда қатор халқаро ташкилотлар тўзилгач, савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам тартибга солина бошланди. Бирок, бу барқарор ривожланиш иқтисодий жазонинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига туртки бўла олмади. Бугунги кунда санкциялар халқаро ташкилотлар, сиёсий блоклар ва алоҳида мамлакатлар томонидан қўлланилади. Иқтисодий жазолар салбий яқун топиши ҳам мумкинлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Сўзимиз исботи учун тарихдан мисол келтирсак, 1973 йилнинг 20 октябрида мамлакатлар АҚШга нефть маҳсулотларини етказиш бўйича эмбарго қўйди. Бу аслида, АҚШнинг Исроилни қўллаб-қувватлашига қарши билдирилган норозилик эди. Эмбарго оқибатида дунё бозорига нефтининг нархи бир неча баробар кўтарилди. 1974-1975 йилларда Шимолий Америка ва Фарбий Европа иқтисодий таназули бошидан кечирди. Табиийки, бу инқироздан араб давлатларининг ўзи ҳам азият чекиди. Бунинг устига, унинг Фарб билан алоқалари сустлашди. Натияжада араб давлатлари бир неча йил давомида нақд сармоса ва сўнгги технология ютуқларидан бебаҳра қолди. "Қош қўяман деб, қўз чиқариш" дегани шу бўлса керак.

Дунё давлатларини боғлаб турувчи занжир — БМТ иқтисодий жазоларни қўллайдиган ташкилот ҳамдир. Халқаро қўнунлар ва инсон ҳуқуқлари бузилган тақдирда ташкилот ва порацияларнинг энг катта душмандир. Чунки айнан улар хоризж бозорига эркин чиқа олишдан манфаатдор бўлади. Шу сабабли тақиқларга давлат иқтисодининг чилпарчин килувчи зарбалар сифатида ҳам қаралади. Шундай ҳолатлар бўлдики, тақиқлар акс-таъсир кўрсатади. Масалан, 1990 йилда БМТ Ироққа халқаро жазо қўллади. Бирок, Садам Хусайн бошқарувни давом эттирди, халқнинг турмуш даражаси эса ўта пасайиб кетди: 1988 йилда Ироқ Кувайтга бостириб киришдан аввал, жон бошига япи миллий маҳсулот 3,5 миң АҚШ долларини ташкил этганди. 1998 йилда бу кўрсаткич аттиги миң долларга тушиб қолди. 1988 йилда хар 100 миң кишига 50 та ўлим тўри келган бўлса, 1998 йилда бу рақам 117 га чикди.


Тажрибадан маълум бўлдики, тақиқ қўллаш айбдор мамлакатни ҳамisha ҳам тавбасига таянтира олмас экан. Халқаро жазолар Куба, Ироқ, Эрон ва Шимолий Кореяда демократик ўзгаришларни келтириб чиқара олмади. Ёдингиздами, 1998 йилда Покистон ва Хиндистоннинг ядро қуролли синаб кўргани? Ушанда, ҳатто жазо қўллаш хавфи аққол бўлиб қолганда ҳам, мамлакат раҳбарлари ўз ниятидан қайтмагани. Халқаро иқтисодий институт тадқиқотларидан маълум бўлишича, 1970 йилдан бошлаб АҚШ томонидан қўлланилган бир томонлама тақиқларнинг 13 фоизи муваффақиятли яқунланган. Натияжада экспорт ҳажмининг камайиши ту-

Украина парламенти мамлакат Конституциясига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилмади. Қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамасининг ролини янада ошириш ва парламентнинг ҳуқуқат фаолияти учун жавобгарлигини қучайтириш кўзда тутилган эди. Ҳужжатни 294 депутат қўллаб-қувватлаб овоз берди. Қонун лойиҳасини маъқуллаш учун эса 300 та овоз зарур эди.

Мазкур лойиҳа овозга қўйилишидан аввал у парламентнинг барча фракцияларида кенг муҳокама қилинди. Натияжада фракцияларнинг етакчилари Конституцияга ўзгаришлар киритилган тақдирда, у шу йил бўлиб ўтadиган президент сайловларидан сўнг қуьга киришига келишиб олди.

Айтиш лозимки, ушбу Конституцион ислохотлар мамлакат президенти ҳамда Верховная Рада ўртасида ваколатлари қайта тақсимлаб, парламент-президент бошқарувини жорий қилиш-

Конституцияга ўзгаришлар киритиладими?



га йўналтирилган. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасини парламент ва Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини кенгайтириш, президентнинг ваколатларини эса камайитришга қаратилган. Хусусан, президент ҳозиргидек ҳуқуқат аъзолари, маҳаллий маъмуриятлар раҳбарларини ишдан олиш ваколатига эга бўлмайди. Аммо унда парламентга тасдиқлаш учун мудофаа вазири, ташқи ишлар вазири, бош прокурор ва Украина

хавфсизлик хизмати раисининг киритиш ҳуқуқи қолади. Шу билан бирга, президент Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Конституцияга хилоф норматив ҳужжатлар ҳаракатини тўхтатиб, уни Конституциявий судга юбориш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг қолган аъзоларини бош вазир парламентга киритиши мумкин. Бош вазири номзодини ҳам президент кўрсатади, парламент тасдиқлайди. Ҳуқуқат раҳбари ваколатини Верховная Рада олдида топширади (ҳозир президент олдида). Украинада президент

сайловлари шу йил октябр ойининг охиригача яқин кунга бўлиб ўтади. Президент беш йил муддатга сайланади. Парламент сайловлари келгуси йилга режалаштирилган. Янги сайланган парламент, ҳозиргидек тўрт йил эмас, беш йил фаолият юритади. Верховная Радада кўпчилики ташкил этувчи фракция мувофиқлаштирувчиси Степан Гавриш парламент йигилишидан кейинги чиқишида бу борадаги ишлар давом эттирилишини билдирди. Маълумотларга қараганда, мазкур қонун лойиҳаси яқин кунларда яна парламент кун тартибига киритилиши мумкин.

С. ДОНІРОВ.

Ироқнинг бир неча шаҳарларида коалиция қўшинлари ва шилар етакчиси Мўҳтад Садр тарафдорлари ўртасида тўқнашулар бўлиб ўтаётгани ҳақида аввал хабар қилган эдик. Кеча бу мамлакатдан яна ташвишли хабарлар кела бошлади. Жангарилар курашининг янги йўли — фуқароларни гаровга олиш билан шугуллана бошладилар.

Тартибсизликлар барҳам топади


Жанубий Корея Ташқи ишлар вазири вакилининг маълум қилишича, корейлик етти миссионер Ироқда жангарилар томонидан гаровга олинди, кейин қўйиб юборилган. Шундай бўлишига қарамастан расмий Сеул ушбу мамлакатга яна уч миңга ҳарбийларни жўнатишни режалаштирмоқда.

Айни пайтда жангарилар уч нафар Япония фуқаросини гаровда ушлаб туришди. Улар кўнчиқар мамлакат ҳарбийлари Ироқдан чиқиб кетмаса, гаровга олинганларни ўлдириларини маълум қилишди. "Аль-Жазира" телеканали тарқатган хабарга қўра, гаровга олинган япон фуқароларининг икитаси журналист, биттаси инсонпарварлик ёрдами ташкилоти ходими. Расмий Токио жангариларнинг талабига жавобан хар қандай шароитда ҳам япон ҳарбийлари Ироқдан олиб кетилмаслигини билдирди.

"Би-Би-Си" мухбирининг Бағдоддан хабар қилишича, жангарилар гаровдаги чет эл фуқароларидан қурол сифатида фойдаланмоқдалар.

Ироқ муваққат ички ишлари вазири Нури Бадран ўзининг истеъфога чиқарилишини сўраб, Ироқ муваққат маъмурияти раҳбари Пол Бремерга мурожаат қилган. Бадраннинг сўзларига қараганда, Ироқ Бошқаруви Кенгашига мамлакатдаги турли дин вакилларини ҳам киритиш лозим.

Сўнгги хабарлар оқимини кузатадиган бўлсак, халқаро тинчликпарвар кучлар Кут ва Нажаф шаҳарларидаги назоратни ўз қўлига олишга қарар қилган. Ҳозир шаҳар кўчаларида исёнчиларга қарши автосиз жаңглр давом этмоқда. АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг таъкидлашича, қисқа муддатда Ироқда тартибсизликлар барҳам топади.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Жазоурда президент сайлови

Африка қитъасидаги энг йирик мамлакатлардан бири Жазоурда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Сайловда олти номзод иштирок этди. Улар орасида амалдаги президент Абдулазиз Бутефлика ҳам бор. Сайловда голиб чиқиш учун номзодлардан бири 50 фоиздан кўпроқ овоз олиши керак.

Сайловнинг дастлабки натижасига қўра, айнан Абдулазиз Бутефлика галаба қозонган. Узил-кесил натижалари кейинроқ эълон қилинади.

Сайловлардан олдин президентлик учун кураш олиб бораётган бошқа даъвогарлар оммани уюштирилиши мумкин бўлган қўзғабумачиликлар ҳақида огоҳлантирилди. Шунингдек, Бутефликани демократия билан ҳисоблашмайдиган автократик тузум тарафдори дея танқид қилишди. Абдулазиз Бутефликанинг асосий рақиби бўлган собиқ бош вазир Али Бенфлика эса бу сайловларни ғирром уйин деб таърифлади.

Бирок жазоирликларнинг кўпи барибир Бутефлики



Учун овоз беришларини билдиришган. Чунки у бир неча йиллар давомида қўлга олинган исёнчиларнинг қуролларини топшириши эвазига овоз қилиб мамлакатда тинчлик ўрнатишга эришди. Шунингдек, кўп йиллик сиёсий сиқувлардан кейин Жазоирнинг яна дунё жамжамиятига қўшилиши ҳам айнан президент олиб борган сиёсат натижасидир.

Х. РАУПОВ.

Корхонада ёнғин

АҚШнинг Нью-Мексика штатидаги Галлап шаҳридан 24 километр узоқликдаги "Жайнт индустризи" компаниясининг нефть қувурларида юз берган иккита портлаш оқибатида кучли ёнғин содир бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, қурбонлар йўқ, бирок компаниянинг тўрт нафар ишчиси оғир жароҳат олган.

Маҳаллий полициянинг хабарига қараганда, биринчи портлаш корхона ҳудудида юқори октан ёниги исини ишлаб чиқариш жараёнида юз берган ва бу иккинчи портлашни келтириб чиқарган.



Етакчи йўқ қилинди

Филиппин ҳарбийлари "Абу-Сайяф" террорчилик ташкилотининг олти нафар жангарисини йўқ қилишга муваффақ бўлдилар. Улар орасида ташкилот етакчиларидан бири Хамсиражи Сали ҳам бўлган. Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, ушбу террорчи АҚШ хавфсизлик органлари томонидан ҳам қидирилатган эди.



ФҚБ Франция ҳукуматини террорчилик хавфидан огоҳ этгандан сўнг, ўтган пайшанба кун Париждаги темир йўл бекатларидан йўловчилар зудлик билан эвакуация қилинди.

Портловчи модда топилмади

Поездлар қатнови вақтинчалик тўхтатилди. Маҳаллий полиция маҳкамаси вакилининг сўзларига қараганда, ФҚБга номаълум киши темир йўл вокзалларидан бирига бомба қўйилганлиги тўғрисида хабар берган.

Текширувлар жараёнида ҳеч қандай шубҳали нарса топилмаганидан сўнг поездлар қатнови яна йўлга қўйилган.



Буюк Британия полициясининг хабар беришича, мамлакат жануби-шарқида ўтказилган антитеррор текширувлар жараёнида беш нафар шахс

Террорчиликда айбланмоқда

террорчи ташкилотлар билан алоқадорликда гумон қилинган қамоққа олинди. Қўлга олиш чоғида улар ёнидан портловчи модда ва қўпурувчиликни уюштириш билан боғлиқ адабиётлар топилган.

Тақиқлар ҳали-ҳамон ўз кучини йўқотгани йўқ. Нега дейсизми? Гап шундаки, халқаро тақиқлар ҳозир ҳам сиёсий босимнинг оммалашган йўллари билан бири. Улар ҳарбий ҳаракатлар сингари, жаҳон жамоатчилиги норозилигига қўламан сабаб бўлмайди. Асосийси, тақиқ қўллайдиган мамлакатнинг доимо дипломатия орқали, тинч йўл билан муроасага эришиш нияти бўлганини аниглади.

Ш. НАЗАР.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«BAHT GULL» МЧЖ Коракалпоғистон Республикасида етиштирилган гуруч маҳсулотини улгуржи нарҳда сотади. 1 кг. гуруч нархи — 235 сўм. Телефонлар: 144-65-32, 148-14-12.

ESENYA КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ ЛОЙИХАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ: БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ; БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ; БАССЕЙНЛАР; АКВАПАРКЛАР. Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчиси.

ESENYA Bau- und Handelsinvestition GmbH Trauereit - Deutschland CATALOGUE ВЕСЕЛЫЕ ГОРКИ БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи «Фулонг Индустриал» ҚК ОЗИК-ОВҚАТ ВА САНОАТ СОТАДИ. Крахмали Нарҳлар — келишилган ҳолда. Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан. Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз. Маккажўхори сотиб оламиз. Манзилми: Тошкент ш., Бектемир тумани, Винокор к., Зирот кўчаси, 1-уй. Телефон: 68-48-97, факс: 120-58-24, e-mail: tgist@bcc.com.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Йўлдошли СУЛАЙМОНОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилади ва унинг қариноқлари ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор этади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, таниқли ёзувчи Йўлдош СУЛАЙМОНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти жамоаси илмий ходим Улмасхон Расулловага онаси Қуръихон РАСУЛОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини жамоаси девонхона мудираси Хамидхон Абдулсоломовага отаси Абдуаслом АҲМЕДОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Тошкент Автомобиль Йўллар институти жамоаси бош ҳисобчи муовини Гўлчехра Саломатовага онаси ХАЙРИЯ аянинг оламдан ўтганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бугун — Абдулла Кодирий таваллуд тоған кун

Миллий маънавиятнинг ривожланишида бадий адабиётнинг, ёзувчи-шоирларнинг хизматлари беқийс. Утган асрнинг 30-йиллар адабиётини эсга олсак, бунга тула амин бўламиз.

Ана шундай мураккаб даврда ҳазрат Абдулла Кодирий Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор, Отабек, Зиё шохичи каби дунё илмидан хабардор кишилар, Офтоб олим, Қумуш-биби сингари фозила ва оқила аёллар борлигини кўрсатиб, ушбу ақиданинг пучлигини, ёлгонлигини исботлаб берди.

Дурдона асар

Тўхталсак. Асар адабиёт оламида оламшумул ва шов-шувга сабаб бўлган воқеа бўлиши билан бира, халқимиз маънавиятини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу асарни одамлар қўлдан қўймай ўқиган, қаҳрамонлар билан ҳамнафас яшаган.

беқ Хасаналига иш буюришдан олдин "Тузуқмисиз, ота?" дея ҳол-аҳвол сўрайди. Саломатлигини билгач, "Бир юмуш буюрсам..." дейди. "Буюринг, ўғлим" деган жавоб олгач, "Раҳмат, ота. Бўлмаса, бизга чой қайнатиб берсангиз", дейди.


ниқидан уч-тўрт мартаба кўплиги учун эмас, муҳаббат туфайли кўмас бўлди. Бу муҳаббат туфайли неча йиллаб қон йиғлайди, дор остига боради, рақиблар билан курашиб, ўлим билан юзма-юз келади.

режачиси ким эди?" дея Юсуфбек ҳожининг ёнган юрагига яна захар сочади. Шу халқ, шу юрт учун "душман билан тўқнашиб, биринчи сафда қаҳрамонона урушиб, шаҳид бўлади".

Уткан кунлар" дунёга келганига етмиш йилдан ошди. Унинг бошида кўпдан-кўп қора кунлар кўнундай чарх урди. Роман кўмилди, ёқилди, уни ўқиганлар қамалди. Лекин ҳақиқий асар ўтда ёнмаслиги, сувда чўкмаслиги "Уткан кунлар" романи мисолида яна бир бор исботини топди.

Буёқ ҳажвчи

Романчилигимиз асосчиси ҳазрат Абдулла Кодирий исми-шарифлари ёнига яна бир номни қўшиб айтсак ҳато қилмаймиз: Буёқ ҳажвчи. Адиб Ғоzi Юнус билан ҳамкорликда «Муштум» журналин ташкил этди.



Абдулла КОДИРИЙ

Улғ у адибнинг муборак таваллуд кунинда мухлислари-мизни яна бир бор Солиҳ маҳдум билан ошно қилишни лозим топдик.

GURUNG



Ҳажвчи

— Уйинг куйгур ҳашаротлар дехқоннинг ризиқини ёмонам қийиб келаяпти-да, раис ака. Айникса, қўсақ қурти...

— Ҳа, Шодивой, бу масала ҳар йили бошимизни қотиради. — Агар қўшлар бўлмаса, бошогриғингиз янаям кўпаярди.

— Биламан, азамат паррандаларимиз бизга жуда катта ёрдам беришади. — Ҳе, атта-а-нг, дехқонлар яқин-орада шу кўмақдан айрилиб қолмас-да.

— Сабаб? — Сабаб шуки, раис ака, қишлоғимиздаги паррандалар учун тирикчилик қилиш оғирлашиб кетаяпти. Ўзингиздан қолар гап йўқ, қўшлар асосан, қишлоқдаги увок-ушқлар билан кун кўришади.

инги пайтларда уларнинг кўнчилиги бошқа қишлоқларга кўчиб кетишиб, ўша жойдаги ширкат хўжалиқларига ёрдам беришяпти. Ҳа, қўшларимиз жуда камийиб кетди! — Нега камайаркан?

Бақаларнинг нияти бузук

— Менимча, бу... бақаларнинг тобора кўпайиб бораётганидан бўлса керак. Бақалар шундай мараз махлуқки, қишлоқдаги сарқитларга қўшларни тенгшерик ҳам қилишмайди. Қишлоқдан овқатланишни билишади, лекин далага чиқиб ҳашарот овлашганини ҳали ҳеч ким кўрмаган.

— Тўғри гапиряписиз, раис ака. Мен ўша муттаҳамларнинг тухуми қаердалигини яхши биламан. Маҳалладаги эски ховуз бақалар инкубаториясига айланиб қолган. — Буни яхши айтдингиз.

Шодивой. Бир ҳашар қиламизу, эртагаёқ ўша ховузини кўмиб ташлашимиз. ...Эзмалана-эзмалана охири ниятига етган Шодивой, кетиб бораётган раиснинг ортидан муғам-бирона боқиб, мамнун кайфиятда томоқ кириб қўйди. Унинг ҳовлиси биқинидаги ўша эски ховуз яққисини уйининг орқа пойдеворини жудаям захлатиб юборганди.

Уста Гулмат Насиҳатларидан

- Эй ўғул, отони устоз сана. Хотунини бошқарув услубини ондин ўргангила. Дардманд эсанг — онога, камхарж эсанг отога ялтоқлан. Шайтон йўлдин оздириб, баски биррога улфат тутишибсан, ўзинги гариб кўрсатги ва ул маккорни чиқма муфтало этгила. Эй ўғул, жуфти ҳалолингни саводхон қилурга ружу қўйма. У китобхон бўлиш қароринда, ўз ҳужуқларидин сўйлаб, бошини қотиргуси. Мазлуманг маънос кўрингонда овутирмаққа иштиёқ сезмагилким, ул маккор ҳушмадларинга паққос мазахурак бўладир. Эй ўғул, ўзгаларни тўхмат тўқмоғидин баҳраманд этиб тургили. Ақс ҳолда, ўзеа мултонин ўзининг оёғининг ола-дир. Фанимларга баёб бўлгила, ошноларини



бурни қонамай-дургон даражада қавла. Эй ўғул, қариндошларни камроқ қидир-гил. Зеро, гўшангага қўққус бостириб келиб, борингни тароже айларга алар ҳам андиша қилгайлар. Башанг юрма, оз-оз ямла. Чунончи, авқот дегонари соатларга, кийим деганлари ҳафталарга, алар ҳисобиға мундалангон ақча эса бир умрга ташидир. Эй ўғул, одобли бўлгила. Мансабдорга юз букилгоч, мансабсиздин алик ол. Ва яна саҳий бўлгила. Тўқин зиёфатлар бериб, казо-казолар жигилдонига мой чапла. Ва яна сабрли бўлгила. Бошлиқ товоқ-дошинг эрса, устисхона панжа урма.



Кулги — чехранинг гули.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Кулқул афанди башоратлари

Оддий авом шуни билиб қўйсинки, барҳорин сўғин, албатта, ёз келадур. Яна бир олий башоратим шуки, болалар тугилверадиди ва оналари уларни эмизверадилар. Юртимиз харитасида токи Олтиариқ мавжуд экан, вилоятларимиз бозорлари бодрингисиз қолмағай. Ани биламанки, телевизурлар бўлма-

- Фидоий уруғ — Сизлар учун ерга кўмилдим, мени ҳам гоҳ-гоҳ эслаб туринглр, — деди ерга кўмилган уруғ. Ундан кўчатлар қолди. Нифоқ Нима бўлди-ю, Унг кўз билан Чап кўз келишолмай қолишди. Энди уларга тўғри нарса ҳам эгри бўлиб қўринарди. Кафт нима дейди? — Кафтдеккина жойману, лекин одамлар менга дунёни сиғдиришмоқчи бўладилар-а, — дерди Кафт хижолатдан терлаб. Тирноқнинг даъвоси — Кўйиб беришасми — ҳар қандай йиртқичини йўлда қолдириб кетардим, — дерди Тирноқ. Уни тез-тез қиркиб туришарди. Лойқаланган Булоқ Булоқ нимадандир лойқаланган эди. Ундан ҳатто эшак ҳам сув ичмади. Мухтор худойқуллов.

Маҳдумнинг баъзи хислатлари

... Ёш чоғида отаси ўлиб, қаттиқчиликда ўтди; унинг баъзи ярашмаган ҳаракатлари балки ўша қаттиқчиликнинг руҳига сингиб қолган ёмон таъсирдир. Ҳар ҳолда бизнинг бундайга вазиғамиз маҳдумни таҳлил қилиш эмас, балки шахсига ҳиёнат ва бўҳтон қилишдан сақланиб, яъни ортирмай ва камитмай ўқувчиға тақдим эта биллишдир.

Ойни этак билан яшириб бўлмайди. Маҳдумнинг хасисликка ўхшаш ҳолатлари, албатта бор эди. Маҳдум топиб-тутмаган йилларда бу ишни йўқликдан қиладиган десак-да, кейинги вақтларда ҳам шу одатини тарқ этмагани учун табиатида бирмунча хасислик бор экан дейман.

Кўйлақ-иштонининг аксар етти-саккиз жойидан ямоғи бўлади. Етти қишдан бери гулпи-чопон янгилангани маълум эмас, фақат қиш келиб кетган алак гулпининг энги ўзгарибгина туради ва астарин йил сайин янгидан-янги ямоқлар билан бойийди, шу гулпи бутун умрида биргина мартаба ва шунда ҳам маҳдумдан берухсат, аммо Нигор оиймининг зўри билан тоғорага тушиб чўмилди. Букунда бўлса, тўрт йил бурунги гусли, етти йиллик туси, турли-турли ямоғи билан саккизинчи қиш маҳдум поччасига содикона хизмат қилиш учун бўғжоме ичиди ўзига куч йиғиб ётади.Маҳалла ҳазил-мандрлари маҳдумнинг бу чопонига «молтопар» деб исм берганлар, гулпи кийилиб чиқилган кун маҳдумга сездирмай «молтопар саводдан қайтибди... ҳали бақувват, ишқилиб, ямоққа чарчамасанг яна ўн йилингни, Мамарайим!» деб қулишадилар.

Кисқаси: беш-олти қайта бошлатилиб кўнчи бир қаричга келган айбаки маҳси, чарми уст-устига уюлиб ердан уч эллик чамаси кўтарилган, иккит чорак вазилик кафш, ёши маҳалла кишиларининг кўпчилиги маълум бўлмаган, ҳарчанд эҳтиёт қилинса ҳам неча жойдан попилдирини осилган оқ бўз салла маҳалла кишиларининг эрмақларидандир. Булардан бошқа ҳайит кунлари ва тўйлардагина кийил-ладиган бир банорас тўни «зарурат» деб атаган бўлсалар ҳам, адрас гулпиға ҳали ном қўйилгунча йўқлар: чунки бунинг дунёга келганиға фақат тўрт-беш йилгина бўлгандир.

Кези келганда маҳдумнинг ёзлик кийимларини ҳам бир сидра айтиб ўтайлик: йўл-йўл қалами бўздан ятак, оқ бўздан жияқ ёқалик кенг қўйлақ (чунки тор бўлса йиртилади) ва лозин ҳамда сарпоичан кийишга енгилча сағри кавш, аммо салла қишин-ёзин битта.

Маҳдум оиласини ҳам кийим-кечак вақидан ўзи каби тутар эди. Кийим-кечакдагина эмас, ҳатто озиқ-овқат тўғрисида ҳам унинг анчагина келишимсиз қилиқларига йўлиқар эди. Масалан, бир ой тўлмасдан кир ювшаг рухсат бермас, агар Нигор оиймининг бир ойсиз кир ювганини қуриб қолса, «кийимни тоғорада чурутасан» деб гавро солар эди. Икки ҳафтасиз паловини кўрмаслар, кўп овқатлар увра, туппа, мастава, қовурма шўрва бўлар эди. Нигор оиймининг қозони йўқча, елча гўштни фақат палов шарофати билангина кўрар эди. Лекин Солиҳ маҳдум баъзи нарсалар билан ошхонани яхшигина мулкидирар, масалан: шалғам, қовоқ, лавағи. Бу тўғрида хотини ҳарчанд рад қилса ҳам қолтаб шалғам, йиғирма-ўттизталаб қовоқ харид қилишини қўйма, — «шалғам Биби Фотима Заҳроларнинг дуолари баракати; қовоқ бўлса, Юнуснинг мўъжизалари» деб, баҳоси арзон ва лекин ҳосияти кўп бўлган бу маблаглар билан ошхонани тўлдирар берад эди. Ҳар ҳафта бир-икки мартаба қовоқ сомса ёптирмай қолмас, аммо — «ёғни кам сол, қовоқнинг таъминини бузади» деб таъкидлашни унутмас эди. Уйда нон ёпилмаганидек, бозордан ҳам сотиб олинмас, чунки панжшанбаллик нон етиб, ортар, ҳатто баъзи вақтларда бозорга ҳам чиқар эди. ...Маҳдум бўйчан, ола гўшт, сийрак мўй, оқ тан, истариси иссиқ бир домла эди. Ёши эллиқлардан ошган, соч ва соқолида бирмунча оқлар кўринар эди. Киши билан сузлашганда, айникса бир нарсадан тааж-жубланганда, сийрак ва лекин тўғри, бақувват ўсган соқолини туттамаб, ўнг кўзини бир оз қисиб қарар, одат қилгандан бўлса керак, гап орасида «ҳабба» деган сўзни кўпроқ ишлатар эди. Домланинг бу «ҳабба»си нима маънода қўлланилади — ўзидан бошқа ҳеч ким билмаганидек, ундан бу тўғрида изоҳ ҳам сурамаган эдилар. Ҳар ҳолда «ҳабба» — «ҳа бали» ёки «ҳа баракалла» бўлса керак. Чунки у бир нарсадан хурсанд ва рози бўлганда аксар «ҳабба» деб юборади.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: Э. Болшев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жаббаров (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақавар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25. Узебекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 001-рақам билан руқдатга олинган. Бюроғи 1-—577. 24000 нускада босилди. Ҳақми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозоқ бичими А-2. Газета ИВМ компьютеризация терияли ва оператор в. Файлек томонидан саҳифаланган. Таҳририятда ҳақми 5 қотоздан зияд материаллар қабул қилинмайди. [1]-Тижорат материалли.